Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 август пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 163 (2991)

## Ҳукумат комиссияси мажлиси

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 18 июлда ўтказилган мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган иқтисодиётнинг самарасиз давлат секторини қисқартириш, зарар кўриб ишлаётган рентабеллиги паст корхоналарни тугатиш бўйича вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича кўрилган чоралар зарар кўриб ишлаётган корхоналар сонини қисқартириш имконини берган бўлса-да, уларни етарли деб бўлмайди. Ҳукумат комиссияси "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик компаниялари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компаниясида корхоналар иқтисодий ночорлигининг олдини олиш ва кўраётган зарарини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслигига алоҳида эътибор қаратди.

Мажлисда "Ўзавтосаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзмашсаноат" уюшмалари, "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компаниясининг рентабеллиги паст йирик корхоналарини реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаларини кўриб чиқиш давом эттирилди.

"Ўзавтосанаот" уюшмасининг "Алпомиш" очиқ акционерлик жамияти, "Ўзэлтехсаноат" уюшмасининг "Лифтсозлик заводи", "Электромаш", "Фотон", "Алгоритм" очиқ акционерлик жамиятлари, "Ўзмашсаноат" уюшмасининг "Андижонмаш" очиқ акционерлик жамияти, "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компаниясининг "Оҳангаронлинпласт" очиқ акционерлик жамияти каби корхоналарни реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари режалари маъқулланди. Уларда замонавий маркетинг стратегиясидан фойдаланиш, ассортимент сиёсатини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, фойдаланилмай ётган ишлаб чиқариш майдонларини ва ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган объектларни сотиш, молиявий ва маъмурий менежментни такомиллаштириш, қўшимча инвестициялар жалб қилиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида берилган топшириққа мувофиқ ҳукумат комиссияси томонидан мулкида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар рўйхатдан ўтказилди ҳамда мулкида давлат улуши бўлган 35 та корхона бўйича банкротлик жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасига мулкида давлат улуши мавжуд бўлган истиқболсиз, зарар кўриб ишлаётган корхоналар банкротлиги юзасидан белгиланган тартибда фаол ишларни давом эттириш вазифаси топширилди.

Комиссия мажлисида вазирликлар, идоралар, уюшмалар, давлат акционерлик компаниялари, корхоналар, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари қатнашди.

**(ЎзА).**

## Чорвоқ соҳилида...



*Пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ тумани об-ҳавоси бежиз Швейцария иқлимига тенглаштиришмайди. Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ҳукумат қарорига кўра, шундоқ сув омбори соҳилида «Чорвоқ» деб номланган оромгоҳ қурилиши бошланган эди.*

У пойтахтимиз аҳолиси учун мўлжалланган бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг буюртмаси асосида бунёд этилмоқда. Дам олиш масканининг биринчи мажмуаси учта алоҳида бинодан иборат бўлиб, у ерда бир йўла 274 киши йил давомида ҳордиқ чиқариши мумкин. Иккинчи мажмуа эса 300 кишини қабул қилиш имкониятига эга. Оромгоҳ жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада бўлади.

Айни пайтда қурилишнинг биринчи навбати ниҳоясига етмоқда. Уни қурувчилар мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллик байрамига туҳфа қилиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Оромгоҳни бунёд этишда Тошкент шаҳридаги 12-қурилиш трестининг 2-ПМК жамоаси бош пудратчи вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, қурилишда Туркиянинг «Апеас» фирмаси ҳам қатнашмоқда.





**СУРАТЛАРДА: 2-ПМК бош инженери Абдувоҳид Дадамуҳаммедов; оромгоҳнинг умумий кўриниши; дам олиш маскани сув омборига туташиб кетган.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

## РЕКЛАМА руҳимизни кўтарсин

*Парламентимизнинг 29 август куни очиладиган IX сессияси кун тартибига "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Хўш, қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритишга нималар сабаб бўлди ва бу ўзгартишлар нималардан иборат?*

*Бизга Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ўткир ҲОШИМОВ қуйидагиларни гапириб берди:*

— Маълумки, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йилнинг декабрида қабул қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз маънавий-ижтимоий ҳаётида бир қанча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу эса, табиийки, тегишли қонун ҳужжатларига янгича ёндашиш, уларга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

"Реклама тўғрисида"ги қонун ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур қонуннинг ижтимоий ва маънавий ҳаётимизнинг турли жабҳаларига бевосита алоқадор жиҳатлари бор. Амалдаги қонунга ўзгартиш ва қўшимча киритишда мана шу жиҳат ҳам ҳисобга олинди. Қонуннинг асосий тушунчаларини англатувчи моддасига товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисидаги тушунчалар ҳам киритилди. Яъни, реклама деганда фақат маҳсулотнинг ўзини эмас, унинг товар белгисини кўрсатиш ҳам тушунилади. Масалан, бирор телекўрсатув намойиш қилинаётганда экраннинг бир чеккасида айланиб турган бир жуфт тамаки япроғи намойиш этилса, бу ҳам реклама ҳисобланади. Яъни, тамаки маҳсулоти ишлаб чиқарадиган корхона "мен сигаретни реклама қилаётганим йўқ" деб даъво қилолмайди.

Сессия муҳокамасига киритилаётган лойиҳада тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламасини кўп жиҳатдан тақиқлаш назарда тутилаётганини эътиборга олсак, бир қарашда унчалик аҳамиятли бўлиб кўринмаган "товар белгиси" деган тушунчанинг ўзи жиддий маъно ташиши аён бўлади. Яъни, лойиҳада телерадиодастурларда намойиш қилинадиган рекламанинг товуши узиб қўйилган кўрсатув ёки эшиттиришнинг овозидан баланд бўлиши тақиқланади, деб таъкидланган тушунча кўпчиликни қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

**(Давоми 2-бетда).**

## Қонунчилик техникасини такомиллаштириш йўлида

Шу йил 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг ташаббуси билан «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнининг ривожланишига кўмаклашиш» ТАСИС дастури лойиҳаси билан биргаликда «Норматив ҳужжатларни тайёрлашдаги қонунчилик техникаси» мавзуида амалий семинар ўтказилди. Семинарда Олий Мажлис депутатлари, Олий Мажлис Котибиятининг, Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, юридик олий ўқув юртларининг вакиллари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Семинар ишчанлик вазиятида, қизиқарли, фикр-мулоҳазаларни қизғин айирбошлаш руҳида ўтди, замонавий техника воситалари қўлланилган ҳолда мавзуга оид махсус слайдлар намойиш этилди. Ривожланган мамлакатлардаги қонун ижодкорлиги амалиёти, шунингдек, Ўзбекистонда норматив ҳужжатларни тайёрлаш техникаси амалий мисоллар асосида муҳокама қилинди.

Ўқинг!

*« — Неварам олти ой аввалги "призиб"-да армияга кетиши керак эди...»* 2-бет

*« — Икки-уч гектар ер олиб, фермерман, деб керилиб юрган ҳам бор...»* 3-бет

Ўзбекистон – Япония: ҳамкорликнинг янги боскичи

### КИОКО НАКАЯМА:

## "ЮРТИНГИЗДАГИ ФАОЛИЯТИМДАН МАМНУНМАН"

Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасидаги грант-шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати қарийб 140 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу грантлар пойтахтнинг қатор мактабларини замонавий техникавий анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда Тошкентдаги Аёллар ижтимоий мослашув маркази томонидан амалга оширилаётган лойиҳалардан бирини молиялаштиришни назарда тутади.

Грант-шартномаларни имзолаш маросимида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан таъкидланди. Япония ҳукуматининг мамлакатимиздаги қатор соҳаларни ислоҳ қилишда фаол қатнашаётгани бу фикрнинг яққол тасдиғи бўла олади. Ҳамкорлик доирасида, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Шу кунгача Япония ҳукуматининг ёрдами билан Ўзбекистондаги юздан ортиқ мактаб ва шифохоналар таъмирланиб, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди.

Грант-шартномаларни имзолаш маросимида иштирок этган Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма Ўзбекистондаги дипломатик фаолияти ниҳоясига етганини яна бир бор маълум қилар экан, журналистларга ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш учун қўлидан келган барча ишни қилганини, юртимиздаги фаолиятидан ғоят мамнунлиги ва халқимиз унинг дилидан алоҳида жой эгаллаганини айтди.

— Ватанимга қайтиш олдидан яна бир савоб ишни амалга оширишга муваффақ бўлганим мамлакатингиздаги меҳнатларим зое кетмаганидан далолатдир. Мен бундан бахтиёрман, — деди Киоко Накаяма.

**(ЎзА).**

## Таассуротлар оламжаҳон

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг шу йил 28-31 июль кунлари Японияга амалга оширган ташрифи Кунчиқар мамлакат жамоатчилиги, илмий доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.*

**ҲИРОЯСУ САСАКИ,**
**Васеда университети профессори:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга университетимиз Илмий кенгаши қарорига мувофиқ Фахрий докторлик унвонининг берилиши биз учун жуда катта шарафдир.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда қайд этилганидек, Илмий кенгашнинг бу қарори, биринчи навбатда, Ўзбекистонга, халқингизнинг бой маданий ва маънавий меросига нисбатан катта ҳурмат белгиси ҳамда мустақиллик йилларида жамиятингиз ҳаётида эришилган кенг қамровлиислоҳотларнинг эътирофидир. Айни пайтда ушбу қарор Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги сиёсат, иқтисодиёт, маданият, таълим ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Биз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатингиз ёшларининг таълим олишлари борасидаги жуда катта лойиҳаларни амалга оширилаётганлигининг гувоҳимиз. Ўзбекистонда қўлга киритилган ютуқлар, жумладан, босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нафақат республикангизда, балки халқаро миқёсда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Келажакда Васеда университети ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, хусусан, илмий алоқаларни кенгайтириш, ёшларга таълим бериш борасида ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, муштарак илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ниятидамиз.

**Беруний АЛИМОВ.**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
**Токио.**

Бугуннинг гапи

## МИЛЛАТНИ МАЪНАВИЯТ АСРАЙДИ

Китоб ўқиётган одам ўйлайди. Фикрлайди. Мулоҳоза қилади, керак бўлса, атроф-муҳит билан мунозарага киришишга чоғланади — ҳаётда ўз ўрнини топишга уринади. Китобхон халқ ҳақида ҳам шундай хулосага келишимиз мумкин. Саводхон халқнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора юксалиб боради. Демак, инсон қадр-қиммати улуғланишининг асосий мезони бўлган демократик тамойилларнинг шаклланиши ҳам омма савиясининг баландлиги билан боғлиқдир, деган хулосага келсак, хато қилмаймиз. Қадим Шарқда азалдан «Китобдан яхши ёр бўлмас»лиги таъкидлаб келинган. Китоб инсоннинг, шу жумладан, кишилик жамиятининг ҳам тафаккурини чархлайдиган маънавий куч, камолот сари ундовчи мислсиз қудратдир. Ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб туришимиз мумкин, турмуш тарзимиздаги ўзгаришларда бевосита иштирок этишимиз ҳам бор гап. Бироқ, ўша ижтимоий-сиёсий эврилишларга нисбатан ақл-шууримиз орқали муносабатда бўла олмасак, онгли равишда ёндошолмасак, энг муҳими, мавжуд ўзгаришлар тафсилотини ақл чиғириғимиздан ўтказа билмасак, саводхонлик бобида гап бўлиш мумкин эмас.

Бугун бирор бир халқ ҳақида эмас, бутун инсоният борасида, унинг тафаккури хусусида бош қотириш мавриди етилганини дунёнинг барча илғор фикрли зиёлилари куйиб-пишиб тушунтира бошлаяптилар — инсониятнинг китобга юз буриши дунё миқёсида муаммога айланиб бормоқда. Айниқса, цивилизациянинг оҳанграбо кўриниши инсониятнинг қалбини сеҳрлай бошлаган ҳозирги илм-фан, тараққиёт асрида жаҳон олимлари, файласуфлари, буюк адиблари, қўйингки, илғор фикрли зиёлилар англаган ҳақиқат шу бўлди — яъники, биз одам болаларининг ҳис-туйғуси, кўнгли, ички маданиятига цивилизациянинг ҳаддан зиёд техникалашган кашфиётлари соя ташлаб қўймоқда. Эзгу ҳислар топталмоқда. Бада-банг мусиқалар, фаҳш ва қотилликни тарғиб қилувчи кинолар, ўта совуққонлик уйғотувчи даҳшат ва разолат манзаралари, детектив «пардаси»га ўралган садизм инсоният руҳиятига салбий таъсир қилмоқда. XXI аср ёш авлоднинг кўзини ана шу йўналишдаги нарсалар очаяпти.

Инсоният бугун ўзини ўзи тарбиялаши, ўз келажагини асраб қолиши учун, энг аввало, одамийликка қайтиши зарур. Улкан адиб ва файласуфларнинг дунё нашрларидаги чиқишлари асосини мана шу оғриқли муаммо ташкил қилади — қандай қилиб бўлмасин, дунё халқларида умуминсоний қадриятлар шаклланиши керак, маданият ва маънавият ер юзи халқларини асраб қолувчи ягона восита эканлиги бот-бот уқтирилаяпти.

Очиғи, оддий бир ижодкор сифатида анчадан бери бундай масалалар менинг ҳам юрагимда тинчлик бермай келаётганди. Истайсизми-йўқми, кабель ТВлардан узатилаётган фильмлар экранда пайдо бўлиши билан оила даврасида ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз. Тан олиш керак, ёшларнинг айримлари қўлидаги усти ялтироқ муқовали бозоргир баъзи китобларни кўриб, «Булар нимани ўқияпти ўзи?» деган хаёлга борасиз, оғринасиз.

Куни кечаги Вазирлар Маҳкамаси қарорини матбуотда ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Юртимизда кўпчилик зиёлилар ҳам бундан қувонганига шубҳа қилмайман. Ҳукуматимизнинг «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини қониқиш билан ўқиб чиқдим. Миллат маънавияти учун қайғурадиган, ўз халқи, келажаги маънавий дунёсини зимистонлик ичра ташлаб қўймайдиган юртда яшаётганимиздан қувондим. Болаларимиз эртаси, уларнинг дунёқарашини асраш, жаҳонда ақл-заковатли миллат сифатида ўз ўрнимизга эга бўлишимиз учун ана шу ўта муҳим ҳужжат имзоланганини ҳис қилдим. Энг муҳими, дунё миқёсида олиб қараганда, миллат тафаккурига эътибор қаратиш бизда, озод Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини мазкур Қарор яна бир карра исботлаб қўйди. Жиддийроқ ўйлаб қарасак, мамлакатда китобхонлик даражасини юксалтиришга йўналтирилган ҳукумат қарори халқимизнинг эртасини ўйлаб қилинаётган юксак инсоний ишнинг амалий кўринишдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, одамзот қаёққа кетаяпти, нега биз ўз туйғу-ҳисларимизни цивилизация оёқлари остида эзғиланишига йўл қўйяпмиз, деган дунёнинг илғор фикрли олим ва адибларига қарата, бизда бу борада давлат қайғураяпти, миллат маънавияти давлат ҳимоясига олинди, маънавият бизда сиёсат даражасида, деб қониқиш билан айтишимиз мумкин.

Энди ҳаммаси ўзимизга боғлиқ — Қарордаги кўрсатмалар мутасадди ташкилотлар, мутасадди раҳбарлар томонидан тўла-тўкис амалга оширилишига боғлиқ. Ҳақиқат юзига тик қарайлик; айни дамда бизда ҳам

**(Давоми 4-бетда).**

"Халқ сўзи" назорат қилади


«ЧИГИТ ҚАДАМАСАК, ТОМОРҚАЛИ БЎЛАМИЗ»

*Газетамизнинг шу йилги 28 май сонида "Чигит қадамасак, томорқали бўламиз" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Жиззах вилоятидаги айрим фермер хўжаликлари ўзларига ажратилган ер майдонларидан самарали ва ўринли фойдалана олмаётганликлари танқид қилинганди.*

## ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЕКОР БЎЛДИ

Шу муносабат билан яқинда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Р. ЕСЕНҚУЛОВ**дан расмий жавоб олдик. У кишининг таъкидлашича, мақола Зарбдор тумани ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича кўриб чиқилган. Газетада номлари тилга олинган "Тулпор", "Бахт — С" фермер хўжаликлари, ҳақиқатан ҳам, ўз тасарруфларидаги экинзорлардан рисоладагидек фойдаланмаганликлари тасдиқланган. Оқибатда, вилоят хўжалик судининг қарорига кўра, уларнинг ер ижара шартномалари бекор қилиниб, фермерлик фаолиятлари тўхтатилган. Зироат майдонлари хўжаликларга қайтарилган.

Худди шундай чоралар Пахтакор туманидаги "Шоҳмурод", "Муборак", "Омонтур", Мирзачўл туманидаги "Сатсапар", Арнасой туманидаги "Назарбек", "Нушкент", Зафаробод туманидаги "Қўйтош", "Нуролма", Зомин туманидаги "Барҳаёт-Норбой" фермер хўжаликларига нисбатан ҳам қўлланилган. Келгусида юқоридаги янглиғ салбий ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида зарур тадбирлар белгиланган.

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Олий ислом кенгаши раиси Шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада бўлди.

Учрашувда қўмита раиси Шоазим Миноваров ҳукуматимиз томонидан дин ишларига қаратилаётган эътибор, юртимиздаги виждон эркинлиги ҳақида сўзлади.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳам ташриф буюрди. Шайх Қаббоний ушбу делегациянинг ташрифи Ўзбекистон билан АҚШ халқлари ўртасидаги биродарлик алоқаларини янада кенгайтиришдек эзгу мақсадга хизмат қилишини қайд этди.

**(ЎзА).**

